

Ҳадис дарслари (35-дарс) Имом Доримий



13:40 / 29.05.2019 6559

Ҳофизул-кабир Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон ибн Фазл ибн Баҳром ибн Абдуссамад Тамимий Самарқандий ад-Доримий 182 ҳижрий санада Самарқанд шаҳрида дунёга келдилар. У зотнинг боболари асли араб бўлиб, фатҳ сабабли Хуросонга кўчиб келган ва шу ерни ватан қилиб қолганлар.

Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Мансур Шерозий айтадилар: «Имом Доримий ақлда, фаҳмда, фазлда, динда етук эдилар. У зотнинг ёдлаш зеҳнлари, ҳалимликлари, босиқликлари, тиришқоқликлари, дунёда зоҳидликлари, ибодатлари зарбулмасал қилингандир».

Зоҳирул Хатиб Самарқандий айтадилар: «Мен Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳузурларида бўлганимда у кишига Имом Доримийни зикр қилишди. Шунда у зот: «Доримий саййидлардан эдилар. Куфр келтир, дейилганда ҳам, дунё ва бойликлар рўпара қилинганда ҳам қабул қилмаганлар», деб айтдилар.

Шурайх ибн Юнус шундай деганлар: «Бағдодийнинг «Эй аҳли Хуросон! Агар ораларингизда Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Доримий бўлсалар, сизларга қандай ҳам яхши», деганларини эшитдим».

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Мубаррад Маҳрабий айтадилар: «Эй аҳли Хуросон, модомики ораларингизда Абдуллоҳ Доримий бор эканлар, бошқа киши билан машғул бўлманглар».

Бундор айтадилар: «Дунё ҳуффоёлари тўрттадир: Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож Нисобурий, Абдуллоҳ ибн Абдурраҳмон Доримий ва Абу Заръата ар-Розий».

Имом Доримий биринчи илмий ишларини Самарқандда бошладилар. Хуросондаги уламолар ҳузурида ҳам бўлдилар, ундан сўнг Ироқ, Шом, Миср, Макка, Мадина юртларида бўлиб, у ерлик уламолардан ҳам фойдаландилар. Ҳадис илмидаги қилган асосий ҳаракатлари Самарқандда зоҳир бўлди.

Имом Доримийнинг энг машҳур китоблари «Сунани Доримий» бўлиб, бу китоб мўътабар олти китобнинг биридир ҳам дейилган. Уламолар «Саҳиҳ китоб» эгалари, деб бешта имомга иттифоқ қилдилар. Булар Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд, Насоийлардир, лекин олтинчисига ихтилофлар бор. Баъзилар «Сунани Ибн Можа» ва яна баъзилар «Муваддотъи Молик», яна бошқалар «Сунани Доримий» дейишади.

«Сунани Доримий»нинг олтинчи китоб дея эътироф этилишига ҳақли эканига далил шуки, у иснодида заиф кишиларнинг озлиги, жумҳур уламолардан ажрамаганлиги, инкор этилган гапларнинг топилмаслиги жиҳатидан ажралиб туради.

Имом Доримий ҳадис илми билан чегараланиб қолганлари йўқ, балки тафсир, фикҳ каби илмларда ҳам етук олимлардан эдилар. Бу зот «Бисавми мустаҳоза вал мутаҳаййира» деб номланган фикҳ китоби муаллифидирлар. Ва яна Қуръони каримнинг баъзи жузларига тафсир ёзганлар, лекин тафсирлари бизгача етиб келмаган.

Имом Доримийнинг «Сунан» китобларидаги ҳадисларнинг кўп қисми фикҳга оид экани маълум бўлди. Бу китоб бошқалардан ажрамаганлиги, унда ноаниқ сўзлар топилмаслиги билан машҳурдир. Бу китобнинг исми тўғрисида уламолар орасида бир оз ихтилофлар бўлди. Имом Заҳабий, Ибн Салоҳ, Мулла Али Қори каби улуғ зотлар «Муснад» деб, Алоуддин Мағлатойдек зотлар эса «Саҳиҳ» ҳам деб ном беришди. Лекин Имом Ибн Ҳажар ва Суютий таъкидлаганларидек, бу китоб кишилар орасида «Сунан» деб номланган. Имом Доримийнинг ушбу «Сунан» китоблари 3465 та ҳадисни ўз ичига олгандир.

Имом Доримийнинг устозлари кўп бўлган. Улар: Абу Мусаҳҳар Димашқий, Марвон ибн Муҳаммад, Абулваҳҳоб ибн Саъид, Назр ибн Шумайил, Язид ибн Ҳорун, Саъид ибн Омир Забъий, Жаъфар ибн Аъвн, Зайд ибн Яҳё ибн Абийд Димашқий, Ваҳб ибн Ҳарийр, Холид ибн Муҳаммад, Ҳаббон ибн Ҳилол, Ашҳал ибн Ҳотам Жумъаҳий, Заҳҳок ибн Муҳаммадлардир.

У зотнинг шогирдлари ва у зотдан ривоят қилган имомлар: Имом Бухорий («Саҳиҳ»ларидан бошқа китобларида ривоят қилдилар), Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Насоий, Абу Довуд, Ҳасан ибн Саббоҳ, Абу Заръата Димашқий, Умар ибн Муҳаммад Бужайрий, Жаъфар ибн Муҳаммад Фарёбий, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалардир.

Имом Доримий Марв шаҳрида 255 ҳижрий сана, Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни вафот этдилар. Арафа – жума кунида дафн қилиндилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан